



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM
VAZIRLIGI ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR NOMLI ANDIJON
DAVLAT UNIVERSITETI**

**Tabiatshunoslik va geografiya fakulteti biologiya yo‘nalishi
3-bosqich “” guruh talabasi Abdurazzaqov M**

«Зоология» fanidan

KURS ISHI

Mavzu: “Zaxarli ilonlar”.



Tekshirdi:

_____.

Bajardi:

_____.

Andijon-2014

РЕЖА

КИРИШ

I. ЎЗБЕКИСТОНДА УЧРАЙДИГАН ЗАҲАРЛИ ИЛОНЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИ

II. АСОСИЙ ҚИСМ. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРҚАЛГАН ЗАҲАРЛИ ИЛОНЛАР

1. Ўрта Осиё кобраси – *Naia oxiana eich*
2. Дашт заҳарли қора илон – *Vipera ursine*
3. Чарх илон - *Carina tus scheid*
4. Қалқонтумшук илон - *Ancistrodon nalya Pall.*
5. Кўлвор илон – *Vipera lebetina L.*

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар

КИРИШ

Президентимиз нуткида ҳозирги ва келажак авлодни манфаатларини кўзлаш, ер ва ер ости бойликларини, сув ресурсларини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини қўриқлаш ва улардан илмий асосда фойдаланиш, ҳава ва сувни тозалигини сақлаш табиий бойликларини узликсиз кўпайтириб боришни таъминлаш ва экологик муаммоларни тўғри хал этиш муҳим эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтганлар.

Ўзбекистоннинг табиати ва унинг ҳайвонот дунёси хилма хилдир. Шимолда Устюрт палатасини бепаён кенгликлари, жанубий шарқда тоғларнинг қорли чўққилари, шимолий шарқда Қизилқумнинг қумликлари қотган тўлқинлар каби чўзилиб ўтибди.

Фойдали ҳайвонлар хўжалик аҳамиятига эга қимматли мўйна ва сифатли гўшт беради ёки маданий экинларга тушадиган ҳашаротларни йўқ қилади. Зарарчилари экинларни нобуд қилади ва ҳосилни еб кетади ёки юқимли касалликларни кўзғатувчиларини ташиб юради. У ёки бу типдаги ҳайвонларни фойдали в зарарли эканлигини аниқлаш учун унинг ҳаёт фаолиятини ўрганиш керак бўлади.

Ўзбекистонда ҳозир 9 та қўриқхона, 9 та заказник мавжуд. Ҳайвонлар ҳаётини ўрганиш кўп жиҳатдан тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, бу хилдаги фойдали ва қизиқарли машғулотлар ёшларни табиатга мухаббат ва қизиқувчанлик ва табиат устида кузатишлар олиб боришга иштиёқ уйғотади.

Ўзбекистонда учрайдиган заҳарли илонлар ва уларнинг тарқалиши

Яшаш шароити ва умумий тарқалиши. Рептилиялар амфибияларга қараганда анча хилма-хил шароитда яшайди. Бу ҳолат рептилияларнинг муайян шароитга биринчи галда қуруқликка мосланишига боғлиқ. Мухим мосланишлардан бири бу рептилияларнинг ер мухитининг қуруқлигига вояга етганлари ҳам (айниқса муҳим бўлган), эмбрионал ривожланаётганлари ҳам бардош беришидир. Катта ёшдаги ҳайвонларда бу эпидермиснинг шох модда билан қопланишига боғлиқ. Эмбрионал мосланишлар тўғрисида урчиш ҳақидаги қисмда баён этилади. Қуруқликда яшаш ва урчиш рептилиялар фақат иссиқ ва нам иқлимда эмас, балки қуруқ ва иссиқ иқлимда ҳам яшашига имкон берди. Натижада, рептилияларнинг умумий географик тарқалиш доираси амфибияларникига қараганда жуда кенг. Улар Арктика ва Антарктикадан ташқари, ер шарининг барча иқлим зоналарида тарқалган. Рептилиялар тана температурасининг

турғун бўлмаслиги туфайли улар фақат нисбатан юқори ҳарорат муҳитида яшайди. Масалан, илонлар $+10^{\circ}\text{C}$ да кам ҳаракатчан, $+6 \dots + 8^{\circ}\text{C}$ да эса ҳаракатчан, $-2, -3^{\circ}\text{C}$ да қарахт бўлади. Танаси $-4 \dots -6^{\circ}\text{C}$ гача совиса нобуд бўлади. Юқорида айтилган сабабларга кўра, рептилиялар тропик зоналарда кенг тарқалган бўлиб, кутбга томон сон жихатдан камайиб боради. Масалан, Индонезия оролларида 150—200, Ўрта Хитойда атига 30 тури яшайди. Ўрта Осиёда 50, Кавказда 68, Ғарбий Европада 12 тури яшайди; то Шимолий кутб доирасигача фақат икки тури учрайди.

Тоғли мамлакатларда денгиз сатҳидан кўтарилган борган сари рептилиялар сони худди шундай сезиларли камая боради. Рептилияларнинг энг юқори тарқалиш чегараси Марказий Осиёда, денгиз сатҳидан 5000 м баланддир. Жанубий Америка Кордильераларида калтакесакларнинг бир тури денгиз сатҳидан 4900 м баландликда ҳам учрайди. Шу билан бир қаторда жуда юқори температура рептилиялар учун хавфлидир. Яшириниш иложи бўлмаганда, $+55^{\circ}\text{C}$ да қум калтакесаклар 1,5—4 минутда нобуд бўлади.

Калтакесаклар исиб кетишдан қочиб, уяларга яширинади (агамалар) ёки дарахт шохларига чиқиб олади. Д. Н. Қашқаров Ўрта Осиёнинг қумли чўлларида ёзда туш вақтида ҳарорат ердан 2 м баландликда (дарахтлар шоҳида) ерда соя жойдагига қараганда 10°C , серқуёш жойдагига қараганда 28°C паст бўлишини аниқлаган. Рептилияларда маълум даражада физик терморегуляция қилиш қобилияти бор, деб фараз қилиш мумкин. Масалан, тирик туғувчи калтакесакда ташқи муҳит ҳарорати $+16$ дан $+42^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилишида нафас олиш тезлиги бир минутда 31 дан 114 мартагача ошади. Бу ҳолатни танадан ортикча иссиқликни чиқарувчи хансираш деб атаса бўлади. Бундан ташқари, Америка сцинклари ва игуанларда тери орқали сув буғлатиш катта терморегуляция аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиш мумкин. Бир соатда бундай йўл билан терининг 1 см^2 юзасидан миллилитр билан ҳисоблаганда у 0,1 дан 0,3 гача тенг. Бутун тери орқали организмнинг сув буғлатиши 66—76% ни ташкил этади.

Юқори ҳарорат рептилияларга билвосита салбий таъсир ҳам қилади. Ўсимликларни қуриши чўл тошбақаларининг уйқуга киришига сабаб бўлади. Тропикда ҳароратни баланд бўлиши, сув ҳавзаларининг қуриш натижасида тимсоҳлар, баъзи бир тошбақалар ва илонлар уйқуга киради.

Сувда ёки тупроқда тузлар бўлиши рептилиялар яшашига халақит бермайди. Калтакесаклар билан илонларнинг аксарият турлари амфибиялар яшай олмайдиган шўр тупроқларда яшайди. Илонлар, тошбақалар узок муддат ичида денгиз ва кўлларнинг шўр сувида яшайди. Судралиб юривчиларнинг умумий экологик тарқалиш ареали ниҳоятд кенг. Улар орасида ер устида, ярим сув ва сув шароитида, ер остида дарахтларда яшовчи турлари бор. Ҳозирги рептилиялар фақат ҳавода йўқ. Ҳозирги замонда яшовчи

рептилиялар ҳаёт формаларининг бунчалик кўп бўлиши қадимий рептилияларни турли-туман шароитда яшаганлигига боғлиқ.

Турларнинг аксарияти ер устида яшайди. Улар ер устидаги турли-туман шароитда яшаганлиги учун хатти-ҳаракати ҳам ҳар хил. Улар қум, тупроқ, тошли чўлларда, қалин ўтзорларда, ўрмон ва ботқоқларда учрайди. Шу билан бир қаторда, улар очик серкуёш, ҳаракатланишга ҳалал бермайдиган жойларни ёқтиради.

Рептилияларнинг ҳаракат шакллари жуда хилма-хил. Фақат улардан айримларини «Судралиб юрувчилар», яъни танасини ерда судраб юрувчилар, деб аташ мумкин. Тимсоҳлар, эчкемарлар ва кўпгина калтакесаклар танасини баланд кўтариб чопиб юради. Баъзи бир қуруқликда яшовчи тошбақалар ҳам танасини ерда судрамайди. Катта масофани фақат орқа оёқларида чопиб ўтувчи турлар ҳам бор. Масалан, баъзи ағамалар, игуаналар ва, айниқса, австралия қалқонли калтакесаги шулардандир.

Мезозойда яшаган гуруҳлар орасида бундай рептилиялар айниқса кўп бўлган. Чўл рептилияларининг танасини кўтариб чопиши мосланиш хусусиятига эга. Чунки бундай ҳолатда танаси иссиқ тупроқ таъсирига камроқ дуч келади. Бу ҳолат Туркменистон мисолида кўрсатилган.

Кўмли чўлларда яшайдиган рептилияларда сочилувчи қумда яшашга имкон берадиган бир қанча мосланишлар бор. Аксарият ҳолатларда улар бармоқлар атрофида жойлашган шохсимон моддали тишчалардан иборат. Бу мосланишлар рептилияларнинг турли систематик гуруҳларига: ағамалар, гекконлар, калтакесаклар, игуанларга хосдир. Гекконларнинг Жанубий Африканинг қумли чўлларида яшовчи бир турининг бармоқлари орасида тери парда бор.

Судралиб юрувчилар қуруқликда ҳаёт кечиришда яхши мослашган ҳайвонлар, уларнинг териси қуруқ бўлиб, шохсимон тангачалар ёки қалқонлар билан қопланган. Фақат ўпка орқали нафас олади. Юрак қоринчаси тўлиқ иккига бўлинганлиги учун вена, артерия қони қисман аралашади. Улар совуққонли ҳайвонлар бўлганлигидан тана ҳарорати ташқи муҳит назоратига боғлиқ. Улар тухумини қуруқликка қўяди. Тухумдан чиққан ёш насли вояга етган ҳайвонларга ўхшаб кетади.

Баъзи судралиб юрувчилар тирик туғади, уларнинг айримлари сувда яшашга мослашган бўлсада, тухумларини қуруқликка қўяди. Бу хил сувда сувда судралиб юрувчиларнинг аجدодлари ҳам дастлаб қуруқликда яшаганини кўрсатади. Судралиб юрувчиларнинг яъни тангачалар туркумига ҳар хил калтакесаклар ва илонлар киради. Уларнинг танаси тангачалар билан қопланган. Илонларнинг оёқлари бўлмайди, уларнинг гавдасини у ёки бу томонга эгиб, қовурғаларга таянган ҳолда ҳаракатланади. Лекин калтакесаклар орасида оёқсизлари ҳам бўлади. Илонларда қовоқ бўлмайди, чунки устки ва

остки ковоқлари шаффоф бўлиб, соат ойнаси сингари кўзини қоплаб туради. Кўзи юмилмаслиги туфайли илонлар бахрайиб турганга ўхшайди.

Калтакесаклар сингари илонлар ҳам тулайди. Рептилияларнинг аскари хилларининг тана шакли ерда судралиб юриш учун мослашган. Шунинг учун ҳам шу синф судралиб юрувчилар деб аталади.

Рептилиялар териси қуруқ, безлари йўқ ва мугуз тангачалари, қалқонлари ёки коса билан қопланган. Дастлабки рептилиялар териси нафас олиш функциясини йўқотгандан сўнг улар шундай тузилишга эга бўлган. Рептилиялар склети амфибилар склетидан кўра такомиллашган. Умуртқа пағонаси маҳкамроқ қисмлари бўлган ва ҳаракатчандир.

Судралиб юрувчиларнинг кала суяги умуртқа пағонаси билан битта бўртма орқали бирлашади. Судралиб юрувчилар жадра орқали нафас олиш функциясини бутунлай йўқотиб боради. Уларнинг сувда ҳаёт кечирадиган личинкаси йўқ. Аксарият рептилияларнинг юраги ҳам уч бўлак. Аммо уларда қон мураккаброқ йўл билан артерия ва веноз қонга бўлинади.

Рептилияларнинг сезги аъзоларидан ет чизиқ тамомила йўқолиб кетган. Сувда яшовчи рептилияларнинг ён чизиқларининг йўқлиги уларнинг қуруқликда яшаган ҳақиқий аجدодларидан келиб чиққанлигини кўрсатади. Илон ва калтакесакларнинг тили сезги органи бўлиб хизмат қилади. Кўзлари энг кўп ривожланган сезги органи. Илонларни устки ва пастки ковоқлари бир бирига ёпишиб кетган кўзининг ости типик бўлади. Булар ҳаракатчан кўз сокқасини олд томонидан ҳиммоя қилиб туради.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРҚАЛГАН ЗАҲАРЛИ ИЛОНЛАР

Илонлар ўзига хос тана тузилишига эга бўлган, ўлчами 20 см дан 10 м гача етадиган ҳайвондир. 2700 га яқин тури маълум. Танаси ҳар хил йўғонликда бўйига чўзилган. Думи ҳамшиша танасидан калта. Оёғи бўлмайди. Ўзига хос ажойиб ҳаракатланиш усули, хатти-ҳаракатлари, заҳар тишлари ва ҳаракатсиз тик қараб туриши туфайли илонлар ҳақида канчадан-қанча эртак ва афсоналар тўкилган ҳамда кўп халқлар орасида илондан қўрқиш ҳисси пайдо бўлган. Кўпчилик халқлар кўп ёки оз даражада туркманларнинг куйидаги мақолига қўшиладилар: «бир туп дарахт экиб, битта илонни ўлдирган одамнинг умри зое кетмайди».

Илонлар калтакесаклардан деярли 30 хил белгиларига кўра фарқ қилинади. Асосий фарқларидан бири пастки жағининг тузилиш хусусиятларидир. Калла суяги юз қисмининг суяклари ҳаракатчан бириккан, пастки жағ эса калла суягида қаттиқ чўзилган бурма

ёрдамида осилиб туради. Эластик боғлам эса жағларнинг ўнг ва чап бўлагини бириктиради ва бу билан илоннинг оғзи жуда ҳам чўзилувчан бўлиб қолади. Шунинг учун улар ўлжасини бутунлигича юта олади. Тишлари яхши ривожланган бўлиб, чақиш (тишлаб олиш), ўлжасини тутиш ва қизилўнгачига итариш учун хизмат қилади. Ҳамма тишлари ингичка, ўткир ва орқага қайрилган.

Илонларнинг асосий сезги органи Якобсон органи билан биргаликдаги тилидир. Илон учи айри ингичка тилини устки жағидаги ярим очик ёриқдан чиқариб, бир неча секунд ҳавода яқинидаги нарсаларга тегар-тегмас қилиб ўйнатади ва ичига тортиб олади. Тилининг учлари Якобсон жуфт органининг тупа танглайидаги иккита чиқариш тешигида жойлашади. Бу ерда илон ҳавода пайдо бўладиган арзимас миқдордаги моддалар ҳақида информация олади ва шунга қараб ўлжасининг қаерда жойлашганлиги, шерига ёки сув манбаининг қаердалиги ҳақида ориентирланади. Кўзлари ҳам ориентирлашда катта роль ўйнайди (ҳамма илонларда ҳам шундай эмас). Тунги илонларнинг кўз қорачиғи вертикал ёки юмалоқ, баъзан эса горизонтал бўлиши мумкин, кундузги илонларнинг ҳамма вақт юмалоқ бўлади. Илонларда ҳид билиш сезгиси яхши ривожланган бўлиб, улар ҳатто сичқон билан каламушни ҳидига қараб ҳам ажрата олади. Уларда эшитиш органи яхши ривожланмаган, ташқи эшитиш тешиги бўлмайди. Ўрта қулоғи содда тузилган ва фақат ички қулоғи яхши ривожланган. Шунинг учун ҳам илонлар одамнинг оёқ товушини эшитади, бироқ ҳавода тарқаладиган товушларни эшитмайди. Бу томондан улар деярли қар хисобланади. Демак, илонларни музика чалиб ўйнатиш ҳақидаги афсоналар асоссиздир. Бўғма илонлар билан шақилдоқ (чинқирик;) илонларда иссиқни сезиш органи бўлиб, улар узокдан ўлжасининг танасидан чиқаётган ҳароратни билади. Бу органлар ташқи томондан иккита чуқурча шаклида бўлади.

Илонлар Антарктикада ва денгизлардан ташқари барча қитъаларда яшайди. Тропикларда энг кўп тарқалган. Қутб доираси ортидаги доимий музлик зонасига фақат оддий қора илон ўтиб қолади.

Илонлар фақат жониворлар (чувалчанглар, ўргимчаксимонлар, кўп-оёқлилар, хашаротлар, балиқлар, сувда ҳам қуруқда яшовчилар, тошбақалар, калтакесаклар, илонлар ва сут эмизувчилар) билан озиқланади. Сувли мевалар, масалан, помидорларни ютиб юборган ҳоллари ҳам бўлган. Афтидан улар организмни сув билан таъминлаш мақсадида шундай қилишса керак.

Жинсий диморфизм унчалик сезилмайди. Эркакнинг думи урғочилариникига қараганда бир оз узунроқ. Кўп турларининг урғочилари эркагидан йирикроқ бўлади.

Тухум қўйиб ёки тирик туғиб қўпаяди. Айрим турлари учун бир марта уруғланиш 3—5 йилгача уруғланган тухум қўйиш учун етарли бўлади. Бир йилда бир марта тухум қўяди. Бир галги тухум қўйишда майда турлари биттадан 3—4 тагача, йириклари бир неча ўнлаб тухум қўяди. Инкубация даври бир ойдан 2,5 ойгача давом этади. Ёш илонлар катталарига нисбатан анча очик рангли бўлади. Улар қишлашга кетгунга қадар тана бўшлиғига кириб борадиган ва тухумдан янги чиққан илон массасининг 30% ини ташкил қиладиган сариқлик халтаси ҳисобига яшайди. Илонлар нисбатан узоқ яшайди, бироқ аниқ маълумотлар йўқ.

1. Ўрта Осиё кобраси

Кобра — Ўзбекистондаги йирик захарли илонлардан биридир Танасининг узунлиги 125 см, думи 45 см гача. Ранги тана рангидан тўқ сариқ, қўнғир ёки қорагача кучли даражада ўзгариб туради. Остки томони оқ ва танасининг олдинги томонида икки-учта қора қўндаланг йўллари бор. Ёшларининг орқасида узунасига қора рангли қўндаланг йўллари бор, уларнинг олд томонидагилари пастки юзасига ўтиб кетади. Ҳиндистонда яшайдиган кобраларнинг энсасида кўзойнакка ўхшаш нақши бўлгани учун улар *кўзойнакли илон* деб аталади.

Ўзбекистонда кобра фақат Боботоғда, Ҳисор тизма тоғларининг тоғ олдиларида ва Сурхондарё водийсида нисбатан кўпроқ учрайди. Қарши даштида бирмунча камрок, Зарафшон ва Нурота тизма тоғларида эса ундан ҳам кам учрайди.

Шарқда учрайдиган энг сўнгги пункти — Ховос атрофларидир. Ҳатто Боботоғда ҳам бир кунда иккитадан ортиқ илон тута олмас эдим, одатда, экспедициялар вақтида камдан-кам, яъни бир ойда битта кобра топишга тўғри келарди.

Жанубий Туркманистон ва Шарқий Эрондан то Ғарбий Ҳиндистонгача тарқалган. Ўзбекистонда кобра қуруқ ён бағирларда, кемирувчилар инида яшайди.

Водийларда ва аҳоли яшайдиган пунктларда камдан-кам учрайди. Масалан, бу илон бир кун Сурхондарё областида Шўрчи қишлоғи чеккасида, бошқа сафар Самарқанддан тутилган эди.



ЎРТА

ОСИЁ КОБРАСИ

(КЎЗОЙНАКЛИ ИЛОН) – КОБРА

NAIA OXIANA EICH

Қишловдан, одатда апрелда чиқади. Баҳорда кундузи, кейин эса фақат эрталаб ва кечкурун актив яшайди, ёзда кўпинча кечаси овга чиқади. Қурбақа, калтакесак ва илонларни хуш кўриб ейди, унинг ошқозонидан икки марта захарли қум эфасини ва бир марта қўлвор илонни топишга муяссар бўлган эдик.

2. Дашт захарли қора илон

Сирдарё бўйларида кўпинча унча катта бўлмаган илон — дашт захарли қора илони учраб туради. Танасининг узунлиги 55 см ча, думи қисқа 4—6 см. Усти қўнғирсимон-кул ранг, орқа чўккаси бўйлаб тўқ рангли эгри-бугри йўли бор, баъзан у узук-узук ёки доғлардан иборат бўлади. Гавдасининг ёнлари тўқ рангли, одатда кескин ажралиб турмайдиган доғлар билан қопланган, бу ердаги тангачаларининг четлари очроқ.



ДАШТ ЗАХАРЛИ ҚОРА ИЛОНИ - ГАДЮГА VIPERA URSINI BR

Республикамизда Чирчиқ водийсида Хўжакентдан Чинозгача бўлган жойларда, Сирдарё водийсида Ховосдан пастроқда кўпроқ, Чотқол тизма тоғларида Паркент, Чимён ва Хумсон яқинида эса камроқ учрайди. Дарё воҳаларидаги чингил ва шўра ўтлар кўп ўсадиган кўлларнинг қирғоқларида, шוליпоярлар марзаларида кўпроқ яшайди. Кемирувчиларнинг инига кириб яширинади. Тоғлардаги япроқли ўрмонлар зонасида кам учрайди.

Қишлаб чиққандан кейин одатда март охирида пайдо бўла бошлайди. Дастлабки вақтларда кундузи актив яшайди. Май ойининг бошларида фақат эрталаб, ҳали иссиқ тушмасдан кўзга ташланади, ёзда эса фақат кечаси чиқади. Ҳашаротлар (чигиртка) билан, шунингдек калтакесаклар ва майда кемирувчилар билан озикланади.

3. Чарх илон

Чархилон унча катта бўлмайди. Танасининг узунлиги 86, думи қисқа — 7,5 см гача боради. Усти қўнғир-кул ранг ёки қум ранг бўлади. Қийшиқ жойлашган ён тангачалари орқадагиларига қараганда тўқроқ бўлади. Орқасида кўндаланг ёки ок, кўндалангига чўзиқ доғлари бор. Улар қирралари орасида илонизи йўл ҳосил қилиб жойлашган. Оч рангли доғлардаги баъзи тангачаларнинг чети қорамтир қўнғир ёки қора бўлади. Бошининг устида бутсимон нақши бор. Бу илон жойида турган ҳолда чарх уриб айланади ва бу вақтда ён тангачалари бир-бирига ишқаланиб чарх тоши каби ўзига хос товуш чиқаради. Шунинг учун ҳам унга *чарх илон* деган ном берилган.



ҚУМ

**ЧАРХИЛОНИ – ECHIS CARINATUS
SCHNEID**

Ўзбекистонда чархилон Термиз атрофлари ва Қорасув ҳамда Сурхондарёдаги соғ тупроқли чўлларда жуда кўп. Бу ерда баҳорда бир кун давомида 30 тага яқин илон учратиш мумкин. Сурхондарё водийси бўйлаб Шўрчи ва Боботоғ тоғ этаклари атрофларигача тарқалган. Қорақалпоғистоннинг жанубий районларида ва Қизилқум чўлида анча кам учрайди. Бу илон асосан соғ тупроқли ва қумли чўллар, дарё воҳаларидаги жарликлар, кўҳна харобаларда яшайди. Гоҳо у куруқ ён бағирларда яшайди.

Қишлагандан кейин февраль ойидаёқ кўрина бошлайди. Иссиқ келган йиллари кўпинча дишнинг ўрталарида, январда чиқади. Баҳорда (март-апрель) ва кузда (октябрь-ноябрь) улар кўпинча инлари ёнида исиниб ётади. Ёзда фақат тунда актив яшайди.

Ёш чархилонлар чаён, чигиртка ва мингоёқларни ейди. Катталари кемирувчилар, бақалар, калтакесаклар (дашт агамалари, тез калтакесак, геккон), сувилон ва ўқилонларни ейди.

Июлнинг охири — август ойининг бошларида урғочилари 3 тадан 15 тагача узунлиги 10—20 см бўлган тирик бола туғади — тутқунликда яхши яшамайди. Илгари бу илонлар Тошкент ҳайвонот боғида одатда 3—4 ойдан кейин нобуд бўлар эди, ҳозир эса икки йилгача яшайди.

Чархилоннинг чақиши жуда оғритади. Заҳари қоннинг шаклли элементларини бузади. Бундан ташқари бурундан, қулоқдан ва тананинг шиллиқ қаватидан қон

кетиши мумкин. Баъзан илон чакқан одам учинчи куни ҳалок бўлади. Одатда у бир ой ва ҳатто бир ярим ой даволаниб ётади.

4. Қалқонтумшук илон

Тошкент ва Самарданд областидаги тоғларда ва Қорақалпоғистондаги текисликларда қалқонтумшук илон яшайди. Бу республикамызда тарқалган бирдан-бир чинқирик ёки шақилдоқ илондир. Бу оиланынг кўп вакиллари Шимолий ва Марказий Америкада ҳамда Жанубий Американынг шимолий районларида яшайди.

Танасининг узунлиги 68 см гача, думи қисқа 4—8 см бўлади. Устида тўқ рангли кўндаланг доғлари бор. Бу йўлланынг чети ўртасига қараганда анча тўқ рангли бўлади. Танасининг ёнида анча майда ва тўқ рангли доғлардан иборат узунасига кетган йўллари бор. Қорни оч ёки тўқ рангли майда доғли, баъзан эса доғсиз бўлади.

Қалқонтумшукнынг типик яшаш жойлари шимолда -гил тупроқли ва қумли чўлландир. Жанубда у баланд тоғлардаги арчазор ўрмонларда ва тош уюмлари бўйлаб альп ўтлоқларигача (3200 м ва ундан баландроқ) учрайди.



ҚАЛҚОНТУМШУҚ ИЛОН –

ANCISTRODON HALYS PALL

Мирзачўлда қишлаган қалқонтумшуклар февралнинг охири — мартнинг бошида қишловдан чиқади. Дастлабки кунлари улар ўзлари қишлаб чиққан кемирувчиларнинг ини ёнида исинади. Иссиқ тушиши билан тунги ҳаёт тарзига ўтади. Июлнинг охири — августда урғочилари 160—190 мм лп 1—20 та бола туғади. Улар секин ўсади. Ҳаётининг учинчи йили жинсий жиҳатдан вояга етади. Белгилаб қўйилган қалқонтумшуклар табиатда 12—13 йилдан кейин тутилган эди. Балки улар бундан узоқ яшаса керак.

Қалқонтумшукнинг чақиши жуда оғритади. Бунда одам шишиб кетади, иссиғи кўтарилади, баъзан эса қорасон касаллиги кузатилади. 10—15 кундан кейин у тузала бошлайди.

Агар сизни заҳарли илон чақса, давоҳол жароҳатни қўлингиз билан чиқб чиқаринг ёки оғзингиз билан сўриб ташланг. Илоннинг заҳари сўлак таъсирида қисман парчаланади ва одам оғзи орқали ҳеч қачон, ҳатто бузилган тиши бўлган тақдирда ҳам заҳарлиниши мумкин эмас. Қонни 5-8 минутдан ортиқ сўриб ёки сиқиб чиқариш мумкин эмас. Шундан кейин марганцовка, сирка ёки содали сувга хўлланган бинт ёки пахта босиш керак. Жароҳатланган одам сув, лимонад, сут, кофе ичиши, тарвуз ейиши фойдали. Жароҳатни қиздирилган темир билан босиш ёки кучли спиртли ичимликлар ичиш мумкин эмас. Дастлабки чора-тадбирлар кўрилгандан кейин, иложи борича тезроқ заҳарга қарши зардоб қабул қилиш учун врачга бориш лозим.

Зардоб қуйидагича тайёрланади: илонлардан олинадиган заҳар махсус питомникларда сақланади, қурилади. Қуруқ чўкма физиологик эритмада эритилади ва отларга юборилади. Бунда эритма дозаси ошириб борилади. Ҳайвонда иммунитет ҳосил қилинади. Ундан қон олинади, қизил ва оқ қон таначалари ажратилади, плазма эса (шунинг ўзи илонга қарши зардобдир) шиша ампулаларга солинади. Ампулаларга солиб кавшарлаб қўйилган зардоб икки ва ундан ортиқ йил сақланиши мумкин. У илон чаққан одамнинг териси остига ёки венасига юборилади. Ўз вақтида ёрдам кўрсатилганда илон чаққан одам эртаси куниёқ тузалиб кетади. Ўзбекистонда тайёрланган зардоб бошқа шаҳар ва қишлоқларига ва чет эл мамлакатларига жўнатилади. Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли Тошкент вакцина ва зардоблар илмий текшириш институти мамлакатимиздаги бу қимматбаҳо препаратни етказиб берувчи ягона ташкилот бўлиб, ҳар йили ўн минглаб ампулаларда илонга қарши зардоб жўнатади.

Илон заҳари махсус питомниклар — серпентарийларда олинади. Биринчи бундай ташкилот асримизнинг бошида Бразилиядаги Сан-Паулу шаҳрида ташкил қилинган эди.

Илон заҳари 1935 йили Тошкент ҳайвонот боғида Б.В. Пестинский ташаббуси билан ишлаб чиқарила бошланган эди. Бирмунча кейинроқ Сухумида академик Е. Н. Павловскийнинг бевосита иштироки ва раҳбарлигида серпентарий ташкил қилинган эди.

60- йилларнинг бошларида илон питомниклари ташкил этиш жуда авж олган эди. Заҳардан фақат илонга қарши зардоб ва диагностика препаратлари тайёрлашдагина фойдаланиб қолинмади. Серпентарийлар тармоқлари ва уларнинг маҳсулотлари граммлар билан эмас, балки килограммлар билан ўлчанадиган бўлди.

Заҳар олиш мақсадида Термизда, *Узоқ Шарқ* қўриқхонасида ва бошқа жойларда илонлар сақланадиган бўлинди.

Ҳозирги вақтда серпентарийлар бир қатор пунктларда ишлаб турибди. Шундан энг йириги, йилига бир неча килограмм заҳар берадиган Озарбайжоннинг Апшерон ярим оролида жойлашган бўлиб, Озарбайжон Табиатни кўриқлаш бўйича давлат комитетига қарашлидир. Унда бир неча мингта кавказ кенжа авлодининг кўлвор илонлари бор. Аҳамиятига кўра иккинчи ҳисобланган қўриқхона Фрунзе шаҳрида жойлашган бўлиб, овчилик бошқармасининг ҳайвонотчилик бирлашмасига бўйсунди. У ерда ўз вақтида жуда кўп илон турлари, кўлвор илон, кобра, оддий қалқонтумшук, дашт қора илони ва бошқалар бор. Ҳозирги вақтда серпентарий асосан оддий қора илондан заҳар олади. Москва яқинида шу бирлашманинг ўзига қарашли битта питомниги бор, унда оддий қора илондан заҳар олинади. Тошкент атрофидаги питомникдан эса кўлвор илоннинг Ўрта Осиё кенжа туркумидан заҳар олинади.

Тошкентдаги Фанлар академияси Зоология ва паразитология институтига қарашли илон питомниги ва Кушка шаҳри яқинида жойлашган Моргуновка қишлоғидаги Туркманистон ўрмон хўжалиги Комитетига қарашли ниҳомник ва Фарбий Копетдоғдаги Қора-қалъа питомниклари нисбатан кам аҳамиятга эга.

Фанлар академиясининг Тошкентдаги Зоология ва паразитология институтида, Моргуновкадаги Бадхиз қўриқхонасида ёзда илонлар очик вольерларда сақланади. Бошқа қолган қўриқхоналарда ҳозирги вақтда илонлар қафасда яшайди. Қафасларнинг ўлчами ҳар хил: майдони 0,5 дан 25 м² гача, баландлиги 0,4—1 м. Кўпинча қафас ўртасига ромбсимон тешикли *тўсиқ* ўрнатилади, илонлар пўст ташлаш вақтида шу тешиклар орасидан ўтар экан, дағаллашган ташқи эпителий қатламини ташлайди. Қафаснинг тубига сополдан ясалган суғоргич, шипига эса қўшимча иситиш учун бир неча электр лампа ўрнатилади. Температураси юқори 28—32° атрофида бўлади. Илонларга ҳар уч-беш кунда озиқ берилади. Майда турлари (қора илон, чархилон, қалқонтумшук) янги туғилган ёки ёш оқ сичқонлар билан озиқланади. Москва атрофидаги питомникда оддий қора илонлар майда бақаларни ва ҳатто бўлақларга бўлиб берилган

йирик сувда ҳам курукда яшовчиларни ҳам эган. Кобраларга оқ сичқон ва кўк бақа берадилар. Кўлворилоннинг асосий озиғи сичқон ва бир кунлик жўжалар. Бироқ қоратўш ва уй чумчуқлари уларнинг сеvimли озиғи ҳисобланади. Озарбайжонда кўлвор илонларни шу қушлари бериб *боқиб*, энг кўп заҳар олишга муваффақ бўлинди ва улар тутқунликда узоқ умр кўрдилар. Бадхиз қўриқхонасида Ю. А. Орлов кўлворилонларга фақат йирик қумсичқонларни беради.

Заҳарини олиш мақсадида қафасда боқиладиган илонларнинг ҳаёт кечириш даври унчалик узоққа бормади. Чет эллардаги илончилик питомникларида улар одатда олти йилдан ортиқ яшамайди. Тошкентда ва Бокуда олиб борилган тажриба натижаларига қараганда, кўзойнакли ва кўлвор илонлар тўғри температура режимида ва тўғри боқилганда заҳар беришини камайтирмаган ҳолда бир неча йил яшай олади.

Одатда илоннинг заҳар запаси 10 кундаёқ қайта тўпланишига қарамай унинг заҳари 20—30 кунда бир марта олинади. Илон заҳарини тез-тез олиш уларнинг толиқиб қолишига ва нобуд бўлишига олиб келади. Илонлардан заҳар олиш усуллари узоқ тарихга эга. Ўрта асрларда илон заҳари уларнинг калласини кесиш йўли билан олинган эди. Бунда уларнинг калласи олдин қуритилиб, кейин ҳовончада талқон қилиб майдаланган. Шундан бир оз кейин илон заҳарини олиш учун уларнинг заҳар ишлаб чиқарадиган безларини ёриб олиш қўлланила бошлади. XX асрнинг бошларида илон заҳари ана шундай олинган эди. Бўйнидан сиқиб олинган илондан заҳар олиш учун унга Петри косачаси ёки стакан тугилди. Улар қирраси билан илоннинг тишига яқин жойдан ушланади ва заҳари томчилаб ажратилади. Илондан мумкин қадар кўпроқ заҳар олиш мақсадида унинг бўйни сиқилиб, боши, ён томонлари уқалаб турилади.

Ҳозирги вақтда ҳамма илончилик питомниклари олдида заҳарли илонларни қафасда кўпайтириш вазифаси турибди. Кўлвор илонлар тухумини инкубация йўли билан очириш борасида Тошкентда ва Озарбайжонда олиб борилган тажрибалар ишончли натижа берди.

5. Кўлвор илон

Кўлвор илон анча йирик бўлади, йўғонлиги одамнинг билагидек келади. Танасининг узунлиги 160 см ча, думи эса 20 см дан ортиқ эмас. Энг оғир кўлвор илоннинг массаси 3 кг ча келади. Усти оч ёки тўқ кул ранг, сарғиш ёки жигарранг тусли. Нақши хилма-хил чўкки-қирраси бўйлаб йирикроқ ва гавдасининг ён томонларида эса майдароқ доғлари бўлади. Қорни оч рангли бўлиб, айримларида майда нуқталари бўлади.

Ўзбекистонда Туркистон тоғ олдиларида (Ховос), Нурота, Зарафшон тизма тоғлари, Кўхитанг ва Ҳисор тизма тоғлари этакларида учрайди. Бу илон кобрага нисбатан анча

кўп тарқалган. Зарафшон тизма тоғи ва Нурота тоғларининг баъзи жойларида баҳорда кунига бештагача, баъзан эса ундан кўп кўлвор илонни учратиш мумкин.

Кўлвор илон тоғларда, тоғ олдиларида ва тоғларнинг атрофларидаги водийларда яшайди. Қишлоқларда ва тоғ этакларидаги боғларда, булоқларнинг бўйида, тоғлардаги тош уюмлари орасида кўп учрайди. Қияликларнинг ёриқлари, тошлар орасидаги бўш жойлар, кемирувчиларнинг, тулки ва қушларнинг соғ тупроқли жарликлардаги инларига кириб яширинади.



КЎЛВОР ИЛОН - VIPERA LEBETINA L

Кўлвор илон қишлагандан кейин мартда, баланд тоғларда эса апрелда чиқади. Дастлабки кунлари улар кундузи офтобда исинади. Апрельнинг охири ва майнинг бошларида қуёш ботиши олдидан, булутли кунларда эса кундузи ҳам кўринади. Кўлвор илон май ойидан бошлаб бутун ёз бўйи тунда актив ҳаёт кечиради.

Озиғини фақат ерда эмас, балки дарахтларда ҳам ахтаради. Асосан, майда қушлар ва кемирувчилар, баъзан калтакесаклар билан озиқланади. Кўлвор илонлар баъзан анча йирик ўлжани ҳам тутиб ейди. Масалан, битта илоннинг қорнидан кўк каптар топган бўлсам, бошқасидан иккита қуёнча, учинчисидан кичик кўлбуда топганман.

Ўрта Осиё республикаларида кўлвор илон июлда тухум қўяди. Ёш илонлар август-сентябрда чиқади. Уч ёшида жинсий вояга етади. Тутқунликда одатда уч йилча яшайди. Бир вақтлар Рига ҳайвонот боғида кўлвор илон 17 йил яшаган.

Илон одамга дуч келганда ҳаракатсиз ётади ва кўпинча уни оёқ яланг босиб оладилар. Кўлвор илоннинг чақиши жуда хавфли. Агар илон чаккан одамга ўз вақтида медицина ёрдами кўрсатилмаса, у ҳалок бўлиши мумкин. Заҳари қонга, жигарга таъсир қилади, шишириб юборади, терида бинафша ранг қизил доғлар кўринишида нуқтали қон қуйилиши кузатилади. Кўлвор илоннинг захаридан олинадиган захарга қарши зардоб шу туркумга мансуб бошқа илонлар чакқанда ишлатилади.

ХУЛОСА

1. Ўзбекистонда кенг тарқалган захарли илонларнинг беш тури:
1. Ўрта Осиё кобраси – *Naia oxiana eich*
2. Дашт захарли қора илон – *Vipera ursine*
3. Чарх илон - *Carina tus scheid*
4. Қалқонтумшуқ илон - *Ancistrodon nalya Pall.*
5. Кўлвор илон – *Vipera lebetina L.* илонлар киради.

2. Улардан қора илон ва қалқонтумшуқ илон тухумдан тирик туғиш йўли билан, Ўрта Осиё кобраси, чарх илон, кўлвор илон эса тухум қўйиш йўли билан кўпаяди.

3. Экологик жihatдан кўлвор илон, қалқонтумшуқ илон, тоғ ва тоғ олди зоналарини эгаллаган бўлса, Ўрта осиё кобраси қора илон даштли тексликларни, чарх илон эса қумли чўлларни эгаллаган.

4. Ўрта Осиё кобраси, қора илон ва чарх илонлар захари асосан нафас марказларига таъсир кўрсатса, кўлвор ва қалқонтумшуқ илонлар захари юрак қон айланиш системасига таъсир қилади. Захарли илонлар тўғрисидаги маълумотларни кенг халқ оммасига етказиш айниқса илон чакқанда биринчи ёрдам кўрсатиш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Баратов П. Ўзбекистон табиий географияси. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1996.
2. Бобринский Н. А. Животный мир и природа СССР. М., 1960.
3. Бобринский Н. А., Кузнецов Б. А., Кузякин А. П. Определитель млекопитающих СССР. М., «Просвещение», 1965.
4. Животный мир СССР. т. 2. Зона пустынь, М.—Л., 1948.
5. Жизнь животных, в 6 т. М., «Просвещение», 1969—1971.
6. Захидов Т. З., Мекленбургцев Р. Н. Природа и животный мир Средней Азии. Ташкент, т. I, 1969.
7. Захидов Т. З., Мекленбургцев Р. Н., Богданов О. П. Природа и животный мир Средней Азии. Ташкент, т. 2, 1971.
8. Никольский А. М. Фауна России и сопредельных стран. Пресмыкающиеся, т. 1—2. СПб., 1915—1916.

9. Позвоночные животные Средней Азии. Ташкент, 1966.
10. Терентьев П. В. и Чернов С. А. Определитель пресмыкающихся и земноводных. М., 1949.
11. Богданов О. П. Фауна Узбекской ССР, т. Земноводные и пресмыкающиеся, Ташкент, 1960.
12. Богданов О. П. Ўзбекистан ҳайвонлари, Тошкент, 1961.
13. Позвоночные животные Ферганской долины, Ташкент, 1974.
14. Экология и биология животных Узбекистана, Ташкент, 1975.
15. Экология позвоночных животных Каршинской степи, Ташкент, 1967.
16. Экология позвоночных животных хребта Нуратау, Ташкент, 1970.
17. Лаханов Ж.Л. Ўзбекистоннинг умуртқали ҳайвонлари аниқлагичи, Тошкент, «Ўқитувчи», 1988.
18. Наумов С.П. Умуртқали ҳайвонлар зоологияси, Тошкент, 1995.
19. Интернет маълумоти